

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ТИЗИМИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ МЕХАНИЗМЛАРИ, ИНСТИТУЦИОНАЛ ГЕНЕЗИС ВА ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ

Атажанов Ўткир Маматсалаевич

Мустақил тадқиқотчи

Мухаммадиёв Мақсудхон Собирхон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси кундузги таълим

3-ўқув курси 322-гуруҳ курсанти

Аннотация: Ушбу мақолада, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойatchиликка қарши курашни амалга оширувчи органларнинг фаолиятини самарали ташкил этишида Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг ўрни, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг тушунчаси ва унинг асослари, ушбу тизимининг мамлакатимизда вужудга келиш тарихи ва ривожланиш босқичлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида мустақилликдан олдинги йилларда мавжуд бўлан криминологик қарашлар ва мустақилликка эришгандан кейинги даврларда Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг ривожланиши, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва янги демократик жамият қуришда Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг тутган ўрни тўғрисида сўз боради.

Калит сўзлар: ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, профилактика инспектори, жинойatchилик динамикаси, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ривожланиш босқичлари.

МЕХАНИЗМЫ ПРОФИЛАКТИКИ ПРАВОНАРУШЕНИЙ В СИСТЕМЕ ПРОФИЛАКТИКИ ПРАВОНАРУШЕНИЙ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ, ПРОЦЕССЫ ИНСТИТУЦИОНАЛЬНОГО ГЕНЕЗИСА И ТРАНСФОРМАЦИИ

Аннотация: В данной статье рассматривается роль системы профилактики преступности в эффективной организации деятельности органов по предупреждению преступности и борьбе с преступностью, понятие системы профилактики преступности и ее основы, история создания этой системы в нашей стране и стадии развития, Также рассмотрены криминологические взгляды, существовавшие в годы до обретения независимости Республики Узбекистан, и развитие системы профилактики преступности в период после обретения независимости, реформы, реализуемые в сфере профилактики преступности, а также роль профилактики преступности. системы в построении нового демократического общества.

Ключевые слова: профилактика преступности, инспектор по профилактике, динамика преступности, этапы развития профилактики преступности.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини ўрни жуда катта чунки ушбу тизим бўлмаса жамиятда ҳуқуқбузарлик ҳамда турли хил кўринишдаги жиноятлар содир этилиш ҳолатлари ошиб, уни бошқариш имкони йўқолиб, издан чиқиши мумкин. Шу муносабат билан бир қатор норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда ва халқимиз онгига сингдириб борилмоқда. Шунингдек, битирув малакавий ишида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси миллий тизимини ташкил этиш фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, бу борадаги муаммолар ва уларни бартараф қилиш масалалари юзасидан атрофлича ўрганилиб, соҳада ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг миллий тизимини ривожлантириш бўйича мутлақо янгича ёндашув амалга оширилганлигини кўришимиз мумкин.

Мустақиллик арафасида ва унинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда вужудга келган криминоген вазият, собиқ Иттифоқ давридан мерос бўлиб қолган салбий иллатлар ва ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳалардаги инқироз ҳамда таназзуллар оқибатлари, бозор иқтисодига асосланган демократик давлат қуришдек олий мақсадни амалга ошириш билан боғлиқ ўтиш даврининг қийинчиликлари ва муаммолари, айниқса жиноятчиликнинг тўхтовсиз ўсиши, унинг янги кўринишлари, уюшган шакл ва хавфли турларининг кўпайиб бориши билан боғлиқ бўлган.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини аҳоли ҳаёти кундан-кунга ёмонлашиб бораётган, жиноятчилик, унинг оғир ва ўта оғир, уюшган турлари тўхтовсиз ўсиб бораётган, бузғунчи ва ғараз мақсадли кучларнинг ҳокимиятни эгаллаш борасидаги ҳаракатларини четдан қўллаб-қувватлаш кучайиб бораётган, республика ҳудудида ўта мураккаб, танг ва зиддиятларга бой криминоген ҳолат юзага келган вазиятда қўлга киритди. Мустақилликни сақлаб қолиш ва асраш ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари, айниқса фуқароларни ҳар қандай кўринишдаги тажовуз ва таҳдидлардан ҳимоя қилиш, жамоат тартибини ва хавфсизлигини, адолатни таъминловчи суд-ҳуқуқ тизимида, туб ислохотларни амалга оширишни, хусусан ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг мутлақ янги миллий тизимини шакллантиришни талаб қилар эди. Ўзбекистон ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими мамлакатимизда янги жамият қуришнинг давлат бош ислохотчи, аҳоли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, босқичма-босқич ва тадрижий ривожланиш принципига асосланган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг биз танлаган «ўзбек модели» – ўз тараққиёт йўлимининг ажралмас таркибий қисмидир.

«Ўзбекистон ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими» тушунчасини ёритиш учун аввало «тизим» иборасининг маъносини билиш зарур. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «тизим» иборасининг беш хил маънода ишлатилиши кўрсатилган. Биз ўрганаётган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими тушунчасини ёритишда «тизим» сўзининг қуйидаги мазмунини қўллаш

мақсадга мувофиқ. Унга асосан тизим – бу ўзаро боғлиқ ва узвий тартибда бўлган нарсалар, ҳодисалар бирлиги, мажмуи⁸⁰.

Бугунги кунда Ўзбекистонда шаклланган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси миллий тизими ўз ичига қуйидагиларни олади:

- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси сиёсати;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг маънавий асослари;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг назарий ва методологик асослари;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳуқуқий асослари;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг институционал асослари.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг назарий-методологик асослари улғ аждодларимизнинг комил инсон ахлоқ-одоби, таълим-тарбияси, фазилатлари ҳақидаги таълимотлари, шунингдек мамлакатда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ, шу жумладан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, айниқса бу соҳада давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигига оид қарашлари, ғоялари ва таълимотларида акс этади.

Мустақиллик йилларида жамиятда шаклланган фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлар, тартиб-интизом, инсон ҳуқуқ ва эркинлигининг уйғунлиги, жамият ва давлат бошқаруви, шунингдек ҳар қандай содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш учун жавобгарликнинг таъминланиши механизмларининг мазмун-моҳияти улғ аждодларимизнинг комил инсон ахлоқ-одоби, таълим-тарбияси, фазилатлари ҳақидаги таълимотларига асосланган. Бунинг билан улғ аждодларимизнинг оила қадриятлари, мулк дахлсизлиги, ахлоқ-одоб нормалари, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳамда қонун устуворлиги, шунингдек ҳар қандай ғайриижтимоий қилмиш учун жавобгарликнинг таъминланиши адолат ва инсонпарварлик принципларига асосланиши ҳақидаги қарашлари, ғоялари, таълимотлари Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳуқуқ тизимида, айниқса таълим-тарбия, суд-ҳуқуқ, хусусан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишчи қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятига сингдирилганлигида яққол кўришимиз мумкин.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими борасида давлат сиёсатининг аниқ ва тўғри белгиланганлиги ҳамда давлат раҳбарининг раҳномалигида адолат, қонунийлик асосида, ўзбек халқининг азалий маънавий қадриятларига содиқ қолган ҳолда тизимли равишда амалга ошириб келинаётган ислохотлари, кўзга яққол ташланмоқда бунинг мисоли сифатида бизлар кундан кунга янги чиқарилаётган Фармон, Қарорларни кўришимиз мумкин. Президентимизни ҳар бир чиқараётган

⁸⁰ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.

Фармонларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси деган чумла мавжуд бунга мисол сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида амалга оширилган ислохотларда чиқарилаётган Фармон, Қарорлар, Қонунларни ўрни беқиёс бунга мисол сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

2017 йилда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини тубдан такомиллаштиришга қаратилган ислохотларнинг янги босқичи бошланди. Ўтган қисқа давр мобайнида юқоридаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича кенг қамровли комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, мамлакатимизда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Мамлакатимизни 2017 — 2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислох этишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинди.

Сўнгги беш йиллик ислохотларнинг натижасида мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди.

Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда «Инсон қадри учун» тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида 2022 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони қабул қилиниб, унда:

- инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;
- мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;
- миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш

суръатларини таъминлаш;

- адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;

- маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш;

- миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш;

- мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш устувор йўналишлар этиб белгиланди.⁸¹

Тараққиёт стратегиясининг иккинчи устувор йўналишига асосан, кўзланган мақсадларни амалга ошириш бўйича жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш учун:

- ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш;

- жамоат тартибини сақлаш бўйича патруллик хизмати фаолиятини тубдан такомиллаштириш, шу жумладан замонавий ахборот технологияларини жорий этган ҳолда фуқарони ички ишлар бўлимига текшириш учун олиб бориш амалиётидан воз кечиш;

- йўл инфратузилмасини такомиллаштириш ва хавфсиз ҳаракатланиш шароитларини яратиш орқали йўлларда авария ва ўлим ҳолатларини қисқартириш, шу жумладан ҳаракатни бошқариш тизимини тўлиқ рақамлаштириш ва жамоатчиликнинг ушбу соҳадаги ишларда кенг иштирокини таъминлаш асосий вазифалар сифатида белгилаб берилган.

Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш мақсадида:

- ички ишлар органларини халқнинг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш ҳамда аҳоли билан мақсадли ишлашга йўналтириш;

- қонунийликни қатъий таъминловчи, очиқ ва адолатли прокуратура фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда «Қонун — устувор, жазо — муқаррар» тамойилини бош мезонга айлантириш;

- тезкор-қидирув ва тергов фаолияти устидан назоратни кучайтириш, фуқароларнинг қадр-қиммати ва эркинлигини самарали ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш;

⁸¹ 2022 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони

-ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда жиноятлар ҳақида хабарларни ҳисобга олиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жиноятларни яшириш ҳолатларининг олдини олишда замонавий усуллардан фойдаланиш ⁸²каби муҳим вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Мухтасар қилиб айтганда, сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар натижасида Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ноёб миллий тизим яратилди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси нафақат жиноятчиликка қарши курашнинг бош йўналишига, балки мамлакатдаги барча давлат идораларининг устувор вазифасига айланди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини ташкил этиш услублари тубдан ўзгартирилди, хусусан қонун бузилиши ҳолатларини фош этиш ва чоралар кўриш эмас, балки мазкур ҳолатларнинг барвақт олдини олиш ва профилактикасини таъминлаш ушбу идораларнинг энг муҳим вазифаси этиб белгиланди.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш даврида ички ишлар органлари тизимида туб ислохотлар амалга оширилиб ушбу соҳада жуда катта натижаларга эришилди. Жумладан:

Ислохотларнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 апрелдаги ПФ-5005-сон фармони асосида бошланиб, бу борада 13 та қонун, Президентнинг 9 та фармони, 40 та қарори ва 3 та фармойиши, 115 та Ҳукумат қарорлари, 167 та идоралараро ҳужжатлар қабул қилинди.

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишга қаратилган қатор норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Хусусан, 2021-йилнинг 26-март санасида қабул қилинган “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ 6196, 2021-йил 2-апрел санасида қабул қилинган “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ 5050 ҳамда 2021-йил 27-ноябрь санасида тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ 27-сон фармонларининг тасдиқланиши ҳам фикримизни тасдиғи ўлароқ хизмат қилади.

Мазкур қабул қилинган норматив ҳуқуқий ҳужжатлардан қўзланган асосий мақсад жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш уларнинг жамиятда қабул қилинга қонун ва қонуности норматив ҳуқуқий ҳужжатларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини амалга оширувчи органлар ва уларда иштирок этувчи муассасалар фаолиятини такомиллаштириш ва тизимли

⁸² 2022 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сонли Фармони

ташкил этиш шунингдек мазкур орган ва муассалар томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирларни тизимли ташкил этиш ва мазкур тадбирлар доирасини белгилаш хисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон) <https://lex.uz/docs/6445145> (Мурожаат вақти: 08.10.2024й)
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни. (Мурожаат вақти: 08.10.2024й)
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлаштириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - 2017. - № 6. - 70-м. (Мурожаат вақти: 08.10.2024й)
4. Мирзиёев Ш.М. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони – 2021(Мурожаат вақти: 08.10.2024й)
5. Шавкат Мирзиёев. «Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови ». Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган танталали маросимдаги маърузаси./ Халқ сўзи. - 2016. -№ 243(6678) Б. 1-3(Мурожаат вақти: 08.10.2024й)
6. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т., «Ўзбекистон», 2016. – 56 б. (Мурожаат вақти: 08.10.2024й)
7. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.– Т.,«Ўзбекистон»,2017.–48 б. (Мурожаат вақти: 08.10.2024й).
8. 2022 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. (Мурожаат вақти: 08.10.2024й).
9. Атажанов Ў. М. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР //World scientific research journal. – 2023. – Т. 12. – №. 2. – С. 81-89.
10. Атажанов Ў. Шаҳар ҳудудида жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича профилактика инспектори фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг бугунги ҳолати ва ўзига хос хусусиятлари //Актуальные вопросы обеспечения прав

женщин и предотвращения насилия в семье в Узбекистане. – 2024. – Т. 1. – №. 1. – С. 24-30.

11. Майор А. Ў. М. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ МАХАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИДАГИ ҲИСОБОТ БЕРИШ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 11. – №. 6. – С. 117-121.

12. Адхамов, Зафар. "ҚАДИМГИ ТАЪЛИМОТЛАРДА ИЛГАРИ СУДЛАНГАН ШАХСЛАР ЎРТАСИДА ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАГА ОИД ЁНДАШУВЛАР." Академические исследования в современной науке 4.13 (2025): 189-193.

13. Қадамович Б. Ҳ. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ТАРБИЯСИ ОҒИР БЎЛГАН ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЕТИШ БЎЙИЧА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ //Eurasian Journal of Academic Research. – 2024. – Т. 4. – №. 4-1. – С. 95-100.

14. Ганиев Ф. Т., Давлетов Ф. О. У. РАБОТА ИНСПЕКТОРА ПРОФИЛАКТИКИ С БЕЗНАДЗОРНЫМИ И БЕСПРИЗОРНЫМИ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИМИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН: ПРОБЛЕМЫ И ПРОБЕЛЫ НА ПРАКТИКЕ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 1. – №. 16. – С. 179-182.

15. Адхамов, Зафар Акбарович. "ШАХСЛАРНИ ЗЎРАВОНЛИК ХУЛҚ-АТВОРИНИ ЎЗГАРТИРИШ БЎЙИЧА ТУЗАТИШ ДАСТУРИДАН ЎТКАЗИШДА ДИНИЙ УЛАМОЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИНГ АҲАМИЯТЛИ ЖИҲАТЛАРИ." THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY 2.20 (2024): 114-117.

16. Адхамов, З. А. (2025). ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ НАЗОРАТ-ЛИЦЕНЗИЯ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2(2-2), 165-172.

17. Мустофакулов Б. А. Ў., Шодмонов Д. Э. Ў. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ПАТРУЛ-ПОСТ ХИЗМАТИ ВА ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ БЎЛИНМАЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 47-51.

18. Ниматов Ш. Н. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳозирги кундаги долзарб масала сифатида //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 2. – №. 1. – С. 136-140.

19. Ниматов Ш. Н. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳозирги кундаги долзарб масала сифатида //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 2. – №. 1. – С. 136-140.